*Саховат*

# САҲИЙЛИК – ОЛИЙ ФАЗИЛАТ

***Яқинда Наманган шаҳар ҳокимлигида бўлганимда қурилиш ва ободончиликка ҳисса қўшаётган, умуман, халқ учун сояси тушаётган ишбилармонлар, мулкдорлар ва ҳунармандлар ҳақида гап кетганда Тахтакўприк даҳасида яшовчи табиб-ҳаким Умархон Аҳмедов ҳақида алоҳида таъкидлаб гапиришди. Айтишларича, У.Аҳмедов топган даромади ҳисобидан доимо маҳалладошларига, етим-есирларга ёрдам кўрсатиб келаркан. Мустақиллик байрами арафасида яна бир саховат кўрсатибди.***

Уз маблағи ҳисобидан ҳамда ҳовлисининг ўзига тегишли қисмида маҳалла аҳли учун 48 квадрат метр катталикда икки хонали озиқ-овқат дўкони қуриб берибди. Янги савдо шахобчасини Наманган шаҳар озиқ-овқат моллари савдоси ишлаб чиқариш жамоа корхонаси ўз балансига қабул қилиб олибди. Маҳалла аҳлининг мамнунлиги шундаки, бу вақтгача арзимас харид учун 600-700 метр, баъзан эса бир чақиримгача йўл босиб боришга мажбур эдилар. Бунинг учун табиб-ҳаким на юқорида тилга олинган ташкилотдан, на маҳалла аҳлидан ҳеч нарса талаб қилмаган. Ўзига қарашли кишини дўконда ишлашлигини, жой учун бадал тўлаб туришни сўрамаган.

Умархоннинг ёшлиги тоғлар орасидаги гўзал қишлоқда ўтди. Ўқувчилик йилларидаёқ қишлоқдаги турли гиёҳлардан дори-дармон тайёрлаш билан шуғулланадиган кекса табиб ишлари қизиқтириб қолди ва биология фанига алоҳида ихлос қўйди. Мактабни битиргач, сал ўтмай армия хизматига жўнаб кетди. Болтиқбўйи республикаларининг бирида хизмат муддатини ўтади. Азалдан чаққон, одамлар билан тез чиқишиб кетадиган йигит қисқа вақт ичидаёқ рус тилини пухта ўрганиб олди. Йигитлик бурчини бажаргач эса ўша ерда қолиб Ленинград тиббиёт олийгоҳига ўқишга кирди. Талабалик даврида Иван Никифорович Говфман деган таниқли профессорнинг назарига тушди. Нафақага чиққан профессор Умархондаги бошқа тенгдошларида учрамайдиган хислатни — табиат билан сирлашиш қобилиятига эга эканлигини пайқади ва уни вақтинча ўқишни тўхтатиб ўзи билан Грузияга кетишликни, ҳамкорликда халқ табобати билан шуғулланишни таклиф этди. Устоз отангдан улуғ, унинг бир сўзини икки қилиш гуноҳ. Қолаверса, шундай машҳур одам билан ёнма-ён ишлаш қанчадан-қанча кишилар учун орзу-ку! Тбилисида ўтказилган уч йил Умархон учун катта мактаб, тенгсиз дорилфунун ўрнини ўтади. Устозидан оқ фотиҳа олган йигит Ленинградга эмас, Ўзбекистонга қайтди. Ўқишнинг қолган қисмини шу ерда ниҳоясига етказиб гувоҳнома олди. Наманган вилоятининг қатор шифохоналарида, тиббиёт идораларида ишлади.

Албатта, у пайтларда «халқ табобати» деган сўзни оғизга олишнинг ўзи жиноятдек баҳоланганлигини яхши биламиз. Шунинг учун гоҳ ярим ошкора, кўпинча эса яширин бўлса-да, бу соҳа билан шуғулланишни давом эттирди. Шундай вақтлар бўлдики, унинг «совет шифокорига хос бўлмаган фаолият билан машғул бўлаётганлигини» пайқаб қолган баъзи «хушёр» ҳамкасблари унинг устидан тегишли «идоралар»га ёзишди. Бундай маҳалларда ойлаб сўроқ берди, тушунтириш хатлари ёзди.

Ҳақиқат эгилади, лекин синмайди, деганларидек, бугунги кунда У.Аҳмедовнинг номи Наманган вилояти ёки Ўзбекистондан ташқари Ҳамдўстликдаги қатор давлат фуқароларига ҳам таниш. Ундан шифо истаб ҳатто, ўзи билим олган Санкт-Петербург ва Москвадан, Болтиқбўйи ва Қозоғистондан, Тожикистон ва Қирғизистондан келишади. Ҳамиша лабидан табассум аримайдиган, юзидан нур ёғилиб турадиган бу йигитдан одамлар дардларига шифо топишяпти, даволаниб фарзанд кўришяпти, кар қулоқлар очиляпти, шол оёқлар ҳаракатга келяпти ва ҳакозо.

Энг муҳим фазилати Умархон аканинг чеҳраси каби қўллари ҳам очиқ. Унинг маблағи ва елиб-югуришлари ҳисобига Тахтакўприк маҳалласига 3 чақиримли водопровод ва газ тармоғи ўтказилди. Электр симёғочлари янгиланди, 500 метр узунликдаги кўчага асфальт ётқизилди. 20 дан ортиқ етим-есир моддий ёрдам олиб туради. Шуларни хаёлдан ўтказаркансиз, доноларнинг бахил топса босиб ер, сахий топса сочиб ер, деган нақли эсга тушади. Ҳа, Умархон Аҳмедов сингари сахийқалб инсонлар ҳамиша бор бўлсин!

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Инсон ва қонун*

# АЙБДОРМИСИЗ, ЖАРИМАНИ ТЎЛАНГ!

Банкларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва роли ортиб бормоқда. Кейинги пайтларда банклар фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилинганлиги фикримиз далилидир.

Хўш, ана шу ҳужжатлар ижроси қандай? Қашқадарё вилояти Давлат солиқ бошқармаси ҳуқуқий шахсларни солиққа тортиш бўлими бошлиғининг ўринбосари А.Муртозов билан ана шу ҳақда суҳбатлашдик.

- Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказиш, корхона ва ташкилот раҳбарларининг бу соҳадаги масъулиятини ошириш борасида банк муассасалари зиммасига муҳим вазифалар юклатилган. Банкларда бўлганларингизда бу соҳадаги қандай ютуқлару, хатоларга дуч келдингиз?

- Мустақиллик ва бозор иқтисодиёти барча соҳалар қатори банк тизимини ҳам такомиллаштиришни тақозо этаётир. Тўғри, банклар молиявий интизомни мустаҳкамлаш, иқтисодиётни ривожлантириш борасида бир қатор ибратли тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Аммо банк муассасалари иши билан чуқурроқ танишсангиз, уларда мавжуд қоидаларга тўла амал қилинмаётганлиги, кредитор қарзларни камайтириш соҳасидаги қарорлар бажарилмаётганлиги, шаҳар ва туманларда солиқ инспекциялари томонидан қўйилган мажбурий тўлов талабномалари асоссиз равишда ўз вақтида тўлаб берилмаётганлигига дуч келасиз.

Чунончи, Ташқи иқтисодиёт Миллий банки Қарши шаҳар бўлимида ўтказилган текширишда мол-мулк ва экология солиғи қоидалари бузилганлиги сабабли 673,8 минг сўм қўшимча ҳамда молиявий жарима ҳисобланиб давлат бюджетига ундириб олинди. Асака банки Қарши шаҳри бўлимига 24,2 минг сўм қўшимча солиқ ҳисобланиб, 57 минг сўм ўн фоизли молиявий жарима солинди. Банк бошқарувчиси ва бош ҳисобчиси йўл қўйган хатолари учун 4500 сўм маъмурий жаримага тортилдилар. «Пахта» банки Қарши шаҳар бўлими солиқ қонунчилигига риоя этмаганлиги учун 354,4 минг сўм, «Уйжойжамғармабанк» бўлими 1712,8 минг сўм қўшимча ва молиявий жарима тўлашга мажбур бўлдилар. Ҳеч шубҳасиз, уларнинг бошлиқлари ва бош ҳисобчилари маъмурий жазодан қутилиб қола олмадилар.

- Кредитор қарзларни камайтириш, ташкилот ва корхоналарни ўз вақтида маблағ билан таъминлаш, нафақа ҳамда бошқа зарурий тўловларнинг кечикишига йўл қўймаслик ҳақида чоралар кўрилишига қарамасдан бу соҳада кескин бурилиш бўлмаяпти.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасида чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 1996 йил 24 январдаги «Тўлов интизоми ва ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари худди ана шу соҳадаги камчиликларга чек қўйишга қаратилган. Аммо бу муҳим ҳужжатлардаги кўрсатмалар тўла бажарилаяпти, деб бўлмайди. Банк муассасалари аввало солиқ идоралари томонидан қўйилган мажбурий тўлов талабномаларини бажариб, сўнг бошқа ҳисоб-китобларни амалга оширмоқлари лозим. Афсуски, бу қоидага амал қилинмаяпти.

Солиқ инспекцияси «Уйжойжамғармабанк» Шаҳрисабз шаҳар бўлимига 66668,9 минг сўм мажбурий тўлов талабномаси тақдим этган. Шунга қарамасдан банк келиб тушган маблағларни турли ташкилотларга ўтказиб берган. Ана шу хатоси учун уларга 1530,4 минг сўм жарима солинди. Шаҳрисабз шаҳар солиқ инспекцияси шу йил 30 май куни Миллий банк бўлимига «Шароб-арақ» ҳиссадорлик жамияти ҳисобидан 1602,2 минг сўм ундириш ҳақида мажбурий тўлов талабномаси қўйган. Банк бу қонуний талабни бажармагани ҳолда, шу ташкилот ҳисобидан турли корхоналарга 797 минг сўм ўтказган. Бюджетга ўз вақтида тўлаб берилмаган маблағ учун банк 47,6 минг сўм устама жарима тўлади. «Савдогар» банки Китоб ва Косон туманлари, Қарши шаҳар «Пахта» банкининг Ғарбий бўлимлари ҳам солиқ идоралари талабномаларига эътибор бермаганлари учун катта миқдорда жаримага тортилдилар.

Кўпчилик қуйи қурилиш ташкилотларига бажарилган иш учун тегишли маблағлар уларнинг юқори ташкилотлари орқали ўтказилмоқда. Натижада тўловлар кечикиб, дебитор қарзлар ошиб кетиши сабабли қурилиш ташкилотларининг молиявий аҳволи ночорлашмоқда.

Шу йил биринчи ярим йиллик молиявий натижаларига кўра вилоятимиздаги банк муассасаларига солиқ қонунчилигига риоя этилмаганлиги сабабли 3086,3 минг сўм қўшимча ҳамда жарималар ҳисобланди. Солиқ инспекциялари мажбурий тўлов талабномаларининг ўз вақтида бажарилмаганлик учун эса бюджетга 3480,7 минг сўм миқдорида ярим фоизлик устама жарима тўлайдиган бўлдилар. Хатога йўл қўйган 28 мансабдор шахс 42 минг сўм жарима тўлашга мажбур бўлишди.

Энди масаланинг яна бир муҳим томонини алоҳида эслатмоқчимиз. Юқорида номлари қайд этилган кўпгина банклар турли баҳоналар излаб, ўзларини ҳар томонга уриб жарималарни тўламаслик йўлларини излаб юрибдилар. «Савдогар» банки Китоб туман бўлими, Косондаги «Пахта» акционерлик тижорат банки раҳбарлари хатоларини тан олмасдан бу ҳақда хўжалик судига мурожаат этдилар. Хўжалик суди жарималар тўғри қўлланилганлигини қайд этиб қарор қабул қилди. Шунда ҳам тегишли маблағларни давлат бюджетига ўтказиш узил-кесил ҳал этилмасдан чўзиб келинаяпти.

Юқорида қайд этилган камчиликлар ҳар қандай кишини ўйга солади. Молиявий қоида- қонунлардан тўлиқ хабардор, уларнинг бузилмаслиги ва бажарилиши учун масъул бўлган ташкилотларда аҳвол шундай бўлгач бошқалардан нимани кутиш мумкин? Йўл қўйилаётган хатолар ҳар ҳолда банк муассасалари ходимлари обрўсига зеб бермаса керак.

**Суҳбатдош:**
**Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ**

*Фестивалдан кейинги мушоҳадалар*

ХЕРНАНД КРЕСПО ТОРАЛ:

# МУСИҚА — ҚАЛБДАГИ БОЙЛИК

Фестиваль шарқнинг гўзал мусиқа дурдоналари намуналарини бутун дунёга намойиш қилди. Бу дурдоналарни ўрганишга, тадқиқ этишга эътибор яна кучайди, ЮНЕСКОнинг ҳамкорлик фаолияти ҳам диққатга сазовор. Хўш, бу ҳамкорлик шу пайтгача қандай бўлган ва келгусида қандай бўлади? Мухбиримиз ЮНЕСКО маданият шўъбасининг ижрочи директори Херменанд Креспо Торал билан ана шулар ҳақида суҳбатлашди.

— Бундай анжуманлар, хусусан, Шарқ мусиқаси билан боғлиқ фестиваллар олдин ҳам ўтказилганми?

— Ҳа, ўтказилган. 1978 йилда Осиё халқлари мусиқаси фестивали бўлиб ўтганди. 80-йилларда ҳам бундай фестиваллардан иккитаси ўтказилган. 1995 йилда Осиё халқлари мусиқаси фестивали бўлиб ўтганди. 1995 йилда Сеулда ЮНЕСКО қошидаги халқаро Мусиқа Кенгашининг ҳам анжумани бўлиб ўтди. Кўриниб турибдики, Шарқ мусиқасига қизиқиш энди бошланган эмас. Бу кўпдан бери мусиқашуносларни қизиқтириб келмоқда. Қизиқишнинг табиий асослари бор. Шарқ, Осиё давлатлари халқлари тараққиёти қанча кучаймасин, ўзига хос урф-одатларни, миллий қадриятларни сақлаб келмоқда. Бу ерда анъанавийлик чуқур илдизларга эга. Ушбу ҳолатларнинг, хусусиятларнинг ҳаммаси мусиқада ҳам, ифодасини топмоқда. Шу ўринда Шарқ мусиқасига қизиқишнинг яна бир сабабини айтиб ўтишни истардим. Шарқ халқлари ўзларининг классик куйларига, қўшиқлар инсон қалбига руҳий осойишталик бағишлайди, дунё ҳақида ўйлаб кўришга ундайди. Маънавий жиҳатдан инсонни юксалтиради. Ғарбда, айниқса, тараққиёти юксак давлатларда классик мусиқалар ўрнини шовқин-суронли, бақироқ, поп-рок типидаги куйлар эгаллаган. Инсонни жазавага туширадиган, асабига тегадиган бу мусиқалардан одамларнинг ихлоси қайта бошлади. Улар қалбига руҳий сокинликка, гўзалликка интилиш кучаймоқда. Буни улар шарқ куйлари, тароналари бағридан изламоқдалар.

— Олдинги ўтган мусиқий фестиваллардан «Шарқ тароналари»нинг фарқи нимада?

— Гапнинг очиғи, олдинги фестивалларнинг аксарияти расмий тарзда ўтказилганди. Самарқанд фестивалида эса ўша расмиятчилик йўқ. Санъат санъаткор билан томошабин ўртасида чегара йўқолгандагина ўзининг жозибасини намоён қилади.

Бу фестиваль олдинги анжуманлардан кўлами, миқёси, қамраб олган мавзулари, ҳатто айтиш мумкинки, иштирокчиларининг кўплиги жиҳатидан ҳам энг каттаси бўлди.

Фестивалда ҳамма нарса ташкил этилди: санъаткорлар беллашдилар, самарқандликлар ҳузурида, ўз санъатларини намойиш қилдилар, шарқ мусиқаси ҳақидаги илмий фикрларини ўртага ташлаб ўзаро баҳслашдилар.

— ЮНЕСКОнинг ушбу фестивални ўтказишда ҳамкорлик қилишдан мақсади нима эди?

— Ташкилотимиз бу анжуманга жиддий эътибор берди. Бизни ушбу фетивалда бошқа анжуманлардагидек, конференциялардагидан фарқли ўлароқ шарқ мусиқачиларининг келгуси авлод вакиллари, давомчилари кўпроқ қизиқтиради.

Фестивални кузатиш асносида шунга амин бўлдикки, шарқ санъати муносиб ўринбосарлар қўлида экан. Негаки, фестивалга келган хонанда-ю созандаларнинг аксарияти ёшлар эди. Энг муҳими, улар устозларининг энг яхши анъаналарини, касбий маҳоратларини, юксак даражада эгаллаб олгандилар.

Биз фестиваль кунлари мақсадимиздан келиб чиқиб ЮНЕСКОнинг энг ёш иқтидорли санъаткор учун махсус совринини ажратдик. Бу совринга Жанубий кореялик Ли Жун А сазовор бўлди. Эндиликда бу санъаткор Франциянинг энг нуфузли санъат олий ўқув юртларидан бирида беш йил давомида ЮНЕСКО ҳисобидан таълим оладиган бўлди.

— Фестиваль якунланди, Сиз унда кўзланган ҳамма мақсадга эришилди, деб ўйлайсизми?

— Фестиваль камон, ундаги мақсадлар бир ўқ эмаски, нишонга отиш билан ниятлар ушалса, лекин шунга қарамай, «Шарқ тароналари» фестивалини кейинги йилларда ўтказилган улуғвор мақсадларга эришилган энг катта анжуман дейиш мумкин. Унда мени қувонтирган нарсалар нималар?

Аввало, Ўзбекистоннинг истиқлолга эришганига қисқа муддат бўлишига қарамасдан бундай халқаро анжуманни ўтказишга бош-қош бўлиши ҳайратомуздир. Бунинг устига у ўз бағрига энг яқин қўшнилари — шарқликларни тўплади. унинг довруғини оламаро кўз-кўз қилди. Мен Самарқандни шарқнинг буюк маданият бешикларидан бири бўлганига ва бундан кейин ҳам у шундай бўлиб қолишига ишондим.

Фестиваль бошланди. Унинг мақсадлари ниҳоятда катта. Шунинг учун ҳам фестиваль Декларациясида ташкилотимиз — ЮНЕСКО олдига жиддий талаблар қўйилган. Бу талаблар бизни ҳам, фестиваль ташкилотчиларини ҳам келгусида фаолроқ ишлашга даъват этади. Биз ана шу талабларни тўла амалга оширганимиздагина фестиваль ўз мақсадига тўла эришди, дея оламиз.

**Камол МАТЁҚУБОВ**
**тайёрлади.**



***Нарпай туманидаги «Ғалаба» ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти, асосан, пахтачиликка ихтисослашган. 800 гектар майдонга «Қирғиз-3» навли тезпишар ва серҳосил ғўза ўстирган хўжалик деҳқонлари бу йил 3200 тонна пахта йиғиштириб олишни режалаштиришган.***

***Шу кунларда хўжалик далаларида йиғим-терим авжида. Собир Эргашев, Хайрулла Азимов, Муҳаммад Рўзиев бош бўлган бригадалар пахта топшириш бўйича пешқадамлик қиляпти.***

**Суратда: бригада бошлиғи Муҳаммад Рўзиев ва механизатор Норқобил Каримов.**

**Т. Норкулов (ЎзА) олган сурат**

*Пахта-97*

## САФАРБАРЛИК

Жиззах вилояти пахтакорлари бу йил давлатга 257 минг тонна «оқ олтин» топширишни режалаштирган эди. Ана шу режани уддалаш учун туманларда ва хўжаликларда қизғин кураш бормоқда. Ҳамма жойда умумий сафарбарлик эълон қилинди. Ҳозир вилоят пахта далаларида 100 минг киши пахта термоқда. Уларнинг бир қисми ҳашарчилардир.

Ҳашар-элга ярашар, деган нақлга амал қилган 12 минг нафар форишлик ҳашарчи Зафаробод туманига, 14 минг бахмаллик ҳашарчи Зарбдор туманига, 13 минг ғаллаороллик ҳашарчи Пахтакор ва Дўстлик туманига, андижонлик ва наманганлик 15 минг ҳашарчи эса Арнасой ва Мирзачўл туманларига келдишди. Жиззах шаҳри ва вилоятдаги қатор ташкилотлар Жиззах тумани пахтакорларига кўмак беришмоқда.

## ҲАММАСИ БИРИНЧИ НАВГА

Жиззах вилоятида бригадалар ва хўжаликлар бирин-кетин маррага етиб келишмоқда.

Жиззах туманидаги «Янги ҳаёт» хўжалигида яна икки бригада режани уддалади.

Хурсанд Холйигитов бошлиқ бригада аъзолари 32 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 27 центнердан ҳосил йиғиштириб олиб, йиллик режани бажаришди.

Яхшимурод Абдишукуров бошлиқ бригада ҳам 80 тонна пахта топшириб, марралан ўзди. Ютуққа Шоира Ғафурова, Саломат Тўрамуродова, Шаҳри Тошпўлатова сингари теримчилар муносиб ҳисса қўшдилар. Ҳар иккала бригадада ҳосилнинг ҳаммаси биринчи навларга қабул қилинди.

Зарбдор туманидаги «Андижон» ширкатлар уюшмасидаги Кенжа Тошев бошлиқ деҳқон-фермер хўжалиги бу йил 15 гектар ерга плёнка остига чигит эккан эди. У андижонча усулдан барака топди. Пахта далаларда эрта очилди. Терим барвақт бошланиб, режа ошириб бажарилди. Фермер хўжалиги жамоаси ҳосилни тўлиқ териб олиб, кузги-қишки ишларни бошлаб юбормоқчи.

**А.ЖЎЛБЕК,**
**«Ишонч» мухбири**

*Тақдирни қўл билан яратур одам*

# МИРЗАЧЎЛЛИК МИЛЛИОНЕР

***Абдурасул Назаров ўз томорқа хўжалигидан миллион сўмдан ошиқ даромад олаётгани айни ҳақиқатдир.***

***Бу одам йирик бизнес корчалони эмас. Ўзини тадбиркор деб ҳам санамайди. Оддий бир фуқаро. Бошқалардан фарқи, наботот оламига меҳр қўйган. Ер билан тиллашади. Заминни ардоқлайди. Она табиатнинг шайдоси, Томорқасида мўъжаз боғ яратган. Достонлардаги Боғи Эрамдан ҳеч қолишадиган жойи йўқ. Парваришлаётган мевали дарахтлари тури юзга яқин. 400 тупга яқин мевали дарахтлари шиғил ҳосилга кирган.***

Абдурасул Назаров хонадонини сўроқлаб Сирдарё вилояти, Мирзаобод туман «Мирзачўл» ширкатлар уюшмасига йўл олдик.

«Икки баҳайбат арча оралигида кўк дарвоза», дейишди бекатдагилар. Муддаомизни эшитган Абдурасул ака кулиб қўйди. «Газитга ёзадиган қаҳрамонлик қилганимиз йўқ. Оллоҳ берган насибамизни териб еб юрибмиз». Абдурасул Назаров билан боғ айландик. Авжи пишиқчилик эмасми, пишиб етилган турли хил мевалар кўзни яшнатади. Тартиб билан экилган, парваришланган дарахтлар раста-раста. Шафтолизор, ўриксор, туттзор, анжирзор, ҳар бири чойнакдек келадиган анорзор. Хуллас, саноқдан адашдик. Абдурасул ака эса ҳар биридан татиб кўришга ундайди. «Мана бу чилон жийда, буниси эса мурч дарахтлари, булар эса хурмо», — дея изоҳ беради у. Мўъжазгина лимонзорни ҳам томоша қилдик. Бу кўчатларнинг келтирилиши, ўтказилиши тарихини сўзлаб берди.

— 1968 йилда 20 сотих томорқа олиб акаларимдан ажраб чиқдим, — дейди А. Назаров, — бахтга қарши чекимизга тушган ер оппоқ туз билан қопланганди. Эр-хотин ёшмиз. Мен хўжаликда ишлайман. Ишдан сўнг курилиш қиламиз. Ер чопамиз. Эй она замин, шу ерда кўпаййлик, бахтимиз очилсин, дея илтижо қиламиз. Ер ҳам тиллашганни биларкан, ука. Худога шукур, мана шу ерда ўн бир нафар фарзандни улғайтирдик. Ҳаммасининг насибасини берсин. Улар турли соҳаларда ишлашса ҳам қўлларидан кетмонни қўйишмайди.

Абдурасул аканинг ўнта ўғли, бир қизи бор. Олти ўғилни уйли-жойли қилган. Ёлғиз қизи Дилбар ҳам турмуш қуриб ўзидан тинчиган. Фарзандлар улғайиб отага қўш қанот бўлишди. Уйларининг ён атрофидан яна олтита уй қад рослади. Отага эса янги-янги кўчатлар топиб келиш, ўғилларининг ҳовлисини дов-дарахтларга буркаш ташвиши тушаверди. Бугунги кунда Назаровлар томорқа хўжалиги қарийб бир гектарга етди. Қўтон тўла қўй-қўзиларни айтмайсизми. Эллик бош қорамол, учта от бор. Аммо ҳамма юмушлар саранжом-саришта бажарилади. Оилада ҳар кимнинг ўз вазифаси белгиланган. Кенжатой Баҳодирга хўжалик марказидан иккита дўкон очиб беришган. У фақат ўз томорқа хўжалигида етиштирилган маҳсулотларни сотади. Оила аъзолари ҳатто гўштни ҳам бозордан харид қилишмайди. Томорқада етиштирилган маҳсулотларни хонадон бекаси Хосият опа ва келинлари Гулистон ва Оқолтин бозорларига олиб чиқишади. 20 нафардан ошиқ набираларнинг ҳам ўз юмушлари бор. Улар тўкилган меваларни териб қоқи қилишади. Қисқаси, катталарга беминнат кўмакчи.

— Ёшлигимдан овга қизиқаман, — дейди Абдурасул Назаров. — Қишлоқ чеккасида ҳажми 10 гектарлар чамаси чуқурликдаги ташландиқ кўлмак бор. Турли хил паррандаларни овлардик. Бир куни шу ерни обод қилиш, балиқчилик хўжалигимизни очиш режаси туғилиб қолди. Хўжалик раҳбарларига учрадим. Улар ҳам антисанитария ҳолатидаги бу ерни ҳеч иккиланмасдан беришди. Чунки у ердан сувни қочириб бўлмайди. Фарзандларим билан келишиб тўқайзорни тозаладик. Катта меҳнат эвазига эпақага келтирдик. 5 гектар ерга майда балиқ чавақчаларини ташлаб кўрдик. Илк уринишларимиз зое кетди. Аммо бу йилги меҳнатимиз натижаси чакки эмас. 5 тоннадан ортиқ балиқ сотишни мўлжаллаб турибмиз. Яна янги ердаги тўқайни ўзлаштириб, балиқ уруғи етиштираяпмиз.

Абдурасул акани ҳамқишлоғлари тиниб-тинчимас одам деганича бор. Ажабланарлиси, у киши қизиқмаган соҳа йўқ. Бир куни оиласидагиларни ҳанг-манг қилиб бир уя асалари кўтариб келади. «Қаловини топсанг қор ҳам ёнади», — деганларидек, шифобахш неъмат етиштиришга астойдил бел боғлади. Гоҳ қирда, гоҳ сойда юрди. Асалари униб — урчишига шароит яратди. Эндиликда роппа-роса 60 уя асалари парваришлаяпти. Ўтган йили 2 тонна асал етиштириб сотди. Бу йил эса биргина асалнинг ўзидан 450 минг сўмдан ошиқ даромад келади. Яқинда ун тегирмонини ҳам қуриб ишга туширди. Ўтган йили ўғилларининг яна бирига ер участкаси берилди. Ота бош, ерга буғдой уруғи қадалди. Яна ўша ўн баҳодирнинг забардаст билаклари кетмонлардан учқун сачратиб ерни безади. Пишиб етилган ғалла ўриб — янчилгач, дон роппа-роса 2 тоннадан ошди. 16 сотих ердан шунча мўл ҳосил уйилганига қўшнилар ҳам ҳайрон.

Ёши 60 дан ошса ҳам Абдурасул ака йигитлардек бардам. У фарзандларига бахт калити меҳнатда эканлигини тинмай уқтириб келади. Фарзандлар ҳам отадек меҳнаткаш, камтарин. Катта фарзанди Абдужалил автомобил тузатадиган уста, Абдусалом ва Абдусамат пахтачилик бригадаси бошлиғи, Баҳром тракторчи, Ўктам ер тузувчи, Абдуғаффор эса ишчи, Акром, Абдумалик, Равшан, Баҳодирлар томорқа хўжалиги юмушлари билан шуғулланишади. Фарзандлар даврасида Абдурасул Назаров баҳри дили очилиб кетади. Ақли расо ўғилларни ато этган яратганга шукроналик келтиради. Ахир фарзандлар отанинг кўз қароғи, суянчиғи. Улар борки, Назаровлар бағри бутун. Мана бу йил яна икки ўғлига янги уй қурилишини бошлабди. Келгуси йили эса бирини уйлаб қўйиши керак.

Оила балиқчилигининг макони — ҳовлидаги ҳовузни кўздан кечирдик. Сўнгра балиқ парваришлана бошлаган тўқайзорда бўлдик. Абдурасул Назаров кейинги режаларини тўлиб-тошиб сўзлайди. Бу йилги сув танқислигидан озмунча азият чекишмади. Бахтига кўлмак ўз сувини оқава ва сизот сувлар ҳисобига бойитиб бораркан. Акс ҳолда балиқлар ҳалокатга юз тутарди.

Назаровлар яна бир хайрли ишга қўл уришган. Улар бу ердаги ҳайвонот оламини қаттиқ қўриқлаб ондатраларни кўпайтиришга муваффақ бўлишибди. Улар табиий равишда урчитилмоқда. Муаммолар ҳам йўқ эмас. Айниқса, балиқлар озуқасини топиш мушкуллашиб бораяпти. Ем сотиб олиш қийин. Унинг эркин сотилишини таъминлайдиган ташкилотнинг ўзи йўқ. «Агар ширкат уюшмаси ер ажратиб берса озуқа ҳам ўзимиздан чиқарди», — дейди у. Балиқни четга олиб чиқишмайди. Ҳам қишлоқларига тухфа этади. Ҳисоб-китобларга қараганда, балиқ оилага бир миллион сўмдан ошиқ даромад келтиради. Шарт-шароит яратилса, озгина эътибор берилса-чи, фойда бир неча баробар кўпайиши мумкин.

Яхши инсонларнинг хислати бор, дейишади. А. Назаровга ҳам бу сифатлар бегона эмас. У топганини ҳамқишлоқлари билан баҳам кўради. Топганини тугунлаб сандиққа босмасдан эл-юртга беради. Тўй қилади. Уй қуради. Томорқа хўжалигини янада бойитишга сарфлайди. Янги-янги мевали дарахт кўчат турларини топиб келиб, парваришлашга интилади. Ҳоҳ Тошкент, ҳоҳ Самарқанд бозорларида бўлмасин, бир туп кўчатсиз қайтмайди.

— Абдурасул ака ўз меҳнати билан катта ҳурматга сазовор инсон, — дейди «Мирзачўл»лик Ёрқинбой Қудратов. — Биз сархил меваларни, энг тоза асални шу кишидан оламиз. Олий ҳиммат, қўли очиқ одам.

Зеро, меҳнат бахт калити. Абдурасул Назаров ҳам ўз бахтини меҳнатдан топган. Шу боис ҳам эъзозда. У Оллоҳ яратган неъматлардан одамларни баҳраманд этишдек савобли ишдан сира чарчамайди. Бу қутлуғ хонадондан қайтар эканмиз, замин ва инсон тиллашувига иқрор бўлдик. Негаки, сизот сувлари устига яқин бўлган, шўрхок Мирзачўл шароитида ер ҳаммага ҳам ўз бағрини очавермайди. Фақатгина ҳаловатдан кечган, заминни ардоқлаган инсонларгина бу бахтга мушарраф.

**Нурилла ШАМСИЕВ.**

